# Ш А Р Т Н О М А № 01/02

**( сикилган газ ёкилгиси билан таъминлаш буйича хизмат курсатиш)**

01«февраль 2022 й. Самарканд шахар.

Бизлар бир томондан «Камалак» МЧЖ рахбари Э.Кодиркулов кейинчалик «ижрочи» деб номланади, иккинчи тамондан Самарканд вилояти усимликлар карантини ва химояси бошкармаси рахбари А.Бобакулов кейинчалик «Буюртмачи» деб номланади, амалдаги корхона низомига асосан куйидаги шартномани туздик;

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

| № | Махсулот номи | Улчов бирлиги | Нархи | Жами махсулот микдори | Умумий Суммаси | Шу жумладан йил чораклари буйича | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | I | II | III | IV |
| | Сиқилган газ | М3 | 2600 | 1150 | 2990000 | 2990000 | | | |
| | Жами: | | | | 2990000 | 2990000 | | | |

1.2. «Ижрочи» «Буюртмачи» нинг транспорт воситаларини суюлтирилган газ ёкилгиси билан таъминлаш мажбуриятини, «Буюртмачи» эса олинган махсулот учун уз вактида пул туловларини ижросини хисоб ракамига утказиш мажбуриятини олади.

## 2. ШАРТНОМА БАХОСИ ВА ХИСОБЛАШИШЛАР ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг бахоси куйидагилардан ташкил топади.

2.1.1. Ижрочи "Камалак" МЧЖ 2022 февраль ойи давомида 1150 М3 сиқилган газ ёкилгисини, буюртмачининг транспорт воситаларига газ ёкилгиси куйиш шахобчалари оркали таркатиш йули билан амалга оширади.

2.1.2. Мазкур шартноманинг бахоси 2990000 (Икки миллион туккиз юз туксон минг )сумни ташкил килади.шу жумладан ККС 15%

2.1.3. Буюртмачи тамонидан Ижрочига шартнома бахосини тулаш, Ижрочининг мазкур шартномада курсатилган хисоб ракамига пул маблагларини кучириш йули Билан амалга оширилади. Хар ойнинг 5 кунига кадар «Буюртмачи» ва «Ижрочи» тамонидан таркатиш варакаси оркали олинган сикилган газ махсулоти ва унинг нархи таккосланади.

2.1.4. Буюртмачининг автомашинисига куйилган махсулот куни, махсулотни етказиш санаси хисобланади ва уша куниги нарх ббилан хисоб-китоб килинади.

2.1.5 Таркатиш кайдномаси «ижрочи» томонидан газ ёкилгиси учун утказилган маблаг «сотувчи»нинг хисоб ракамига 100 % утгандан сунг берилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

а) белгиланган тартибда автомашинага газ махсулотларини куйиш учун махсус рухсатнома олиш.

б) газ балонининг гиометрик хажми ва техник холати тугрисида хайдовчининг йул варакасига тегишли белги куйиш.

3.2. Буюртмачи газ махсулотлари билан ишлайдиган, кайта жихозланган автомашиналардан фойдаланиш давомида, техник хавфсизлиги ва автомашинани техник холати учун тулик жавобгарликни уз зиммасига олди.

3.3. Ижрочининг мажбуриятлари:

а) Автомашинадаги мавжуд улчов ускуналарини созлиги ва бу масалалардан тугри фойдаланаётганлигини назорат килиш;

б) автомашина хайдовчисини газ махсулотларини ташиш учун гувохнома борлигини текшириш;

в) Буюртмачи тамонидан шартнома шартларини бузиш ва техник хавфсизлиги коидаларига риоя килиш холати аниклангaнда, махсулот беришни тухтатиш;

3.4 Тарафлар махсулот жамининг уртача кунлик нормасидан келиб чиккан холда ойлик газ микдорини бир маромда узатиш ва кабул килиши шарт.

3.5. буюртмачи олган махсулотни истеъмол килиш даврида хар бир юзага келган узгришлар хакида 5 кун муддат ичида Ижрочига ёзма равишда хабар килиши шарт.

3.6. Ижрочи газ куйиш шахобчаларида мавжуд булган ускуналарини навбатдаги таъмирлаш ишларини амалга оширишдан 3 кун олдин, умумий таъмирлаш ишларини бошлашдан 15 кун олдин, буюртмачи хабар килиши шарт.

3.7. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида , тез бузиладиган товарлар бўйича эса-10 % миқдорида жарима тўлайди.

3.8. Агар етказиб берилган товарлар сифати ,ассортимент ива нови лозим даражада булмаган товарлар кийматининг , шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

4.9. Товар ҳақини ўз вактида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортик булмаган миқдорда пена тулайди.

4.10. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 % миқдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар бахосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

## 4. МАХСУЛОТ (ГАЗ) ХИСОБИ

4.1. Буюртмачига берилган махсулот микдори таркатиш варакаси буйича хисоб килиб борилади.

4.2. Буюртмачига берилган махсулот микдори давлат стандарти тамонидан 13.январ 1995 йилда (рег.№418) тасдикланган «АГТКШ га юборилган газ ёкилгиси хажмини улчаш ва унинг хисоб китоби буйича кулланма (РД Уз. 51-034-94) асосида «Узбекнефтегаз» миллий холдингкомпанияси тамонидан 28 ноябр 1995 йилда тасдикланган «АГТКШ»да истеъмолчига таркатилган газ ёкилгиси хажмини аниклаш жадвалига мувофик буюртмачининг улчов асбоблари оркали аникланди.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 Ижрочи шартномада курсатилган махсулот билан буюртмачини уз вактида таминла олмаса, куйидаги холларда жавобгарликни уз зиммасига ололмайди:

а) электр тармокларида содир булган авария холларида;

б) табиий офатлар (ёнгин, ер кимирлаш, сув тошкинлари) юз берган холларда;

в) электр тармокларининг таъмирлаш учун тухтатилганда.

5.2. Шартномада курсатилиб утилган мажбуриятларни бажарилиши буйича тарафлар Узбекистон Республикаси конунлари буйича жавобгардирлар.

5.3. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган ёкилги газ махсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарк газ ёкилгиси етказиб берувчи томонидан копланади

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома «01»февралда тузилган 2990000 сумлик № 01/02 сонли шартнома 2022 йил 01» февралдан 2022 йил «31» декабргача амал килади. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарканд вилоят газначилик бошкармасида белгиланган тартибда руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради.

6.2. Шартномада курсатилагн масалалар буйича юзага келган низолар тарафларнинг музокаралари йули билан хал этилади.

6.3. Низолар тарафларнинг музокаралари йули билан хал этиш имкони булмаган такдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф килиш борасида конунчиликда кузда тутилган судгача булган жараёнларни амалга оширганларидан сунг уларни хужалик судига куриб чикишга тоширадилар.

6.4. Мазкур шартномага киритиладиган хар кандай узгартириш ва кушимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари тамонидан имзолангандан сунг хакикий хисобланади.

6.5. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.

## 7.ФОРС - МАЖОР

7.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий офатлар,ноқулай об-хаво шароити,хукумат тадбирлари, хокимият органларининг қарорлари, харбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажирилмаган ёки лозим даражада бажарилмагмнлиги исботланса жавобгар булмайди.
7.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Узбекистон Республикаси "Хужалик юритувчи субьектлари фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисидаги" ги конуни ва Узбекистон Республикасининг бошка амалдаги конунлари талаблари буйича жавобгар булади

## 8. БОШКА ШАРТЛАР

8.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.
8.2 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиниши мумкин.
8.3 Мазкур № 01/02 сонли шартнома «01» февралда 2 нусхада тузилган булиб 2022 йил «01» февралдан 2022 йил «31» декабргача амал килади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган ва Самарканд вилоят Газначилик Бошкармаси томонидан тасдиклангандан сунг конуний кучга киради

## 9. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:

| «Ижрочи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| МЧЖ «Камалак» | Самарканд вилояти усимликлар карантини ва химояси бошкармаси |
| (мол етказиб берувчининг номи) | (бюджетдан маблағ олувчининг номи) |
| Манзил:Самарканд шахри Бедил куч.32 уй | Манзил:Самарканд шахри Х.А.Валий кучаси 21а уй |
| Тел./факс 221-75-04<br>х/в 20208000104023262001 | Тел./факс 238-41-47<br>ш/х* 100021860184017042130610<br>ш/х* |
| Банк номи Миллий банк АТБ<br>МФО 00278 СТИР 203084918<br>ОКОНХ | бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 200714180<br>ОКОНХ 22300<br>Ғазначилик бошкармаси номи Молия Вазирлиги ягона Газна хисобвараги<br>Ғазна х/в 23402000300100001010<br>Банкнинг номи Тошкент ХККМ Марказ банки<br>МФО 00014<br>ғазначилик бошкармаси СТИРи 201122919 |
| Раҳбар Кодиркулов Э. (Ф.И.Ш) | Раҳбар А.Бобакулов (Ф.И.Ш) |
| (имзо) | (имзо) |
| М.Ў. | М.Ў. |

*Ҳуқуқшунос*
*Лицензия (диплом) № берилган санаси*
*«___» ____________ 20 й*

*Ҳуқуқшунос*
*Лицензия (диплом) № берилган санаси*
*«___» ____________ 20 й*